Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

## ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
**к договору (контракту) от 24.08.2022 г. № 1**

**между «AL ASAD SERVICE» MCHJ и Жондор туман Хокимлиги (Фонд) на общую сумму 28160000,00**

Глава 018

Казначейский лицевой счёт 305122860062467109602018001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4821190 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | 28 160 000,00 | | | 28 160 000,00 |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **28 160 000,00** | | | 28 160 000,00 |

Всего 28160000,00 сум

Двадцать восемь миллионов сто шестьдесят тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 8448000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в ________ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный ______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ________________ (подпись) ________________ Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика ________________ (подпись) Чориев Феруз Рашидович Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ________________ (подпись)

«___» ______________ 20___г.

Получил работник заказчика ________________ (подпись)

«___» ______________ 20___г.

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 1

**Жондор ш** **« 24 » август 2022 йил**

**"Ал Асад сервис" МЧЖ** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **А.Насимов** тимсолида, бир томондан ва **Жондор туман Хокимлиги**, (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи **Х.Мажитов** тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хакида тузди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага биноан "Буюртмачи" томонидан ёзма буюртма хати оркали Жондор туманидаги мухтож оилаларга (хонадон кесимида) курилиш ремонт материаллари етказиб бериш учун буюртма берилади. "Бажарувчи" мазкур берилган ёзма буюртма хатга биноан мактабни безатишни уз зиммасига олади. Мазкур хизматларга амалдаги тарифларга асосан "Буюртмачи" томонидан тулов амалга оширилади.
1.2. "Хизматлар"нинг аник турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур спецификацияда келтирилади.

| № | Хизмат номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Дверь пластиковая (90x210 булган пластик эшик (петля даста замоклари хам курилган булиши шарт)) | дона | 3 | 4500000 | 13500000 |
| 2 | Ламинат (пол учун ламинат) | М2 | 52 | 80000 | 4160000 |
| 3 | Дераза (100x110 см булган пластик ромли дераза (петля, даста, замок, ва шишалари хам курилган булиши шарт)) | дона | 3 | 3500000 | 10500000 |
| | **Жами:** | | | | **28 160 000** |

1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати **2022 йил "31" августгача** амалга оширилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. " Буюртмачи "нинг хукуклари:**
2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;
2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб қилиш;
2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофик тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини коплашни;
- бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.
**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**
2.2.1. «Хизматлар»ни **2022 йилда бюджетдан** ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;
**2.3. «Бажарувчи» қуйидаги хукукларга эга:**
2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан хақ тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
2.3.2. Берилган буюртманомага мувофик кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.
**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**
2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш:
2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;
2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.

…. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан бюджетдан маблағ …увчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз миқдорида олдиндан хак тўлаш назарда тутилган

## III. ШАРТНОМАНИНГ
## БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **28 160 000 (Йигирма саккиз миллион бир юз олтмиш минг)** сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартнома спкцификациясида кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида яъни **8 448 000** сум **2022 йилнинг август** ойида олдиндан хак тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорида яъни **19 712 000** сум **2022 йилнинг 31 август** кунигача якуний тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб килинади.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" кабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га хак тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни кабул қилишни рад этишга ҳаклидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида каралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича кабул килинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошкача тарзда берилади. Буюртманомани чопар оркали кабул килишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у кабул килинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳаклидир, бу ҳакда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор килади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташкари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлик кўрсатилмаган такдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлик кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вактида хак тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобракамидан пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга ҳаклидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома **2022 йил «31» декабргача** амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган такдирда тўхтатилади.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси" нинг 122-моддаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган ҳолларда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
9.2. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.
9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Буюртмачи»**

**"Ал-Асад сервис" МЧЖ**
(етказиб берувчининг номи)
Манзил: Жондор туман Алели МФЙ
Тел./факс
Х/р 20208000800807134001
Банк номи АТБ Кишлок курилиш банк Жондор филиали
МФО 00115 ИНН 305097699

Раҳбар ____________ А.Насимов

**Жондор туман Хокимлиги**
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Жондор ш.
Тел./факс____________________
Ғазна./х[1] 23402000300100001010
Банк номи Тошкент ш. Марказий банкнинг ХККМ
МФО 00014 ИНН 201807887
ОКОНХ 92310
ш/х[2] 305122860062467109601018001
Жондор туман Ғазначилик бўлинмаси
банк номи. Тошкент шахар Марказий банкнинг ХККМ
МФО 00014 ИНН 201122919

Раҳбар ____________ Х.Мажитов

---

[1] - тегишли ғазна ҳисобварағи кўрсатилади.

[2] - тегишли бюджетдан маблағ олувчининг Ғазначилик бўлинмасида очилган шахсий ҳисобварағи (ёки шахсий ҳисобвараклари) кўрсатилади.